

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИДА СОҒЛОМ МУХИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ОМИЛЛАРИ**

Абдуназаров Абдумутал Олимович

ЖДПИ Ижтимоий-гуманитар фанларда масофавий таълим кафедраси
ўқитувчиси

Қурбонов Акмал Алибекович

ЖДПИ Дефектология йўналиши 3-босқич талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада инклюзив синфларда математика ўқитиш асосида ўқувчиларда дунёқарашни шакллантиришнинг имкониятлари очиб берилган. Асосан, адабиётларда бу масаланинг моҳиятига оид қарашлар санаб ўтилган.

Калит сўзлар: ўқувчи, дарс, математика, таълим, вазифа, омил, сифат, замонавий талаб.

Аннотация: Данной статье раскрыты возможности формирования мировоззрения у учащихся в процессе обучения математики в инклюзивных условиях. Особенно перечислены педагогические учения по данной теме, которые имеются научных литературах.

Ключевые слова: ученик, урок, математика, образование, задача, фактор, качество, современные требования.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майда қабул қилинган “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4708-сонли қарорида таълимнинг барча босқичларида математика фанини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, педагогларнинг самарали меҳнатини қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтириш ва амалий аҳамиятини ошириш, халқаро ҳамжамият билан алоқаларни

мустаҳкамлаш, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийтни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида: “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасалар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъминловчи яхлит тизимни шакллантириш; илғор хорижий тажриба асосида мактабгача ёшдаги болаларда илк математик тасаввурларни шакллантириш бўйича замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида математика фанларини ўқитиш сифатини ошириш, ҳудудларда математика фанига ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги мактабларни ташкил этиш; математика фани бўйича кадрларни, хусусан, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, математика фани бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш”- каби устувор йўналишлар белгиланди.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни соғлом тенгдошлари қаторида ўқитиш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланмоқда. Маълумки имконияти чекланган болалар махсус ўқув режа, ўқув дастурлари асосида мактаб таълимини эгаллайдилар. Улар учун таълим махсус коррекцион йўналтирилган педагогик жараён асосида ташкил этилиб, дефектологик маълумотга эга мутахассислар томонидан олиб борилади. Ўтган аср махсус таълимидан кўзланган мақсад ва вазифалартаҳлил этилганда ўқувчиларнинг умумий ва нутқий ривожланишини таъминлаган ҳолда умумтаълим фанларини ўқитиш ва кейинги босқич таълимга тайёрлаш кабиларни шарҳлаш мумкин. Бугунги кун махсус таълими эса, рақобатбардош мутахассисни инклюзив таълим

жараёнида тайёрлашга таъсир қилади. Мазкур вазифа ўз мазмуни ва кўламига кўра давлат ва жамиятнинг ижтимоий буюртмасидир. Бундан ташқари барча болаларнинг сифатли таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда ўқитувчилар фаолиятига замонавий талаблар қўйилмоқда. Масалан, синфда турли тоифадаги болалар билан бир пайтнинг ўзида мос ёндашувларни ташкил эта олиш ва кутилган натижани қўлга киритишни мисол қилишимиз мумкин. Мазкур масала ногирон ҳамда соғлом ривожланаётган болаларга математикани ўргатишдаги умумийлик ва фарқли жиҳатларни аниқлашни кўндаланг кўяди. Бу йўналишда ўрганиш ишларини олиб бориш, манбаларни таҳлил қилиш асосида илмий хулосаларни асослаш мумкин. Жумладан, инсон учун математиканинг зарурат эканлигини В.М.Тихомиров алоҳида таъкидлайди. Олимнинг фикрича: “Инсониятнинг маънавий дунёсини шакллантиришда бу фан тарихини, унинг асосчиларини ҳамда фанга ҳиссасини билиш фойдали”. Адабиётларда математика ўқитиш билан боғлиқ конкрет вазифалар қаторида математик ривожланиш асосида ўқувчиларда бир бутун “олам манзараси”ни шакллантириш билан боғлиқ кенг масала ҳам кўриб чиқилган. Болаликнинг айнан мактабгача ва мактаб даврида турли-туман фаолиятда болада борлиқнинг предметли олам, кишилиқ олами, табиат каби асосий соҳалари билан алоқа шакллана бошлайди, оламини англаш учун замин яратилади, бола ўзини-ўзи дастлаб шу даврда англай бошлайди, яъни, бир сўз билан айтганда, “олам манзараси” шаклланади. Олам манзараси тушунчасини кенг маънода – онгда акс этган ва онгда яратилган ментал олам образи сифатида олиб қараймиз. Дунёқарашнинг шаклланиши, ўз навбатида, ҳозирги замон таълимининг охир-пировардидаги мақсадидир. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, дунёқараш, шахсга хос янги тизимли ҳосила сифатида, ўзини шахс ривожининг у ўсмирликка қадам қўйган даврида намоён қилади. Шу билан бирга ҳеч бир тадқиқотда дунёқараш болалиқдан бошланиши инкор этилмайди. Мактаб ёшидаги болаларнинг математик таълими қонуниятларини кўриб чиқар эканмиз, биз уларнинг ривожланишида дунёқарашнинг муҳим ўрин эгалаши тўғрисидаги фикрга

таянамиз. Дунёқарашнинг ривожланиши тушунчасига берилган кўпчилик таърифларда унинг когнитив таркибий қисмини, яъни дунёқарашнинг ривожланишини таъминлайдиган ақлий хатти-ҳаракатлар ва амалларни тадқиқ қилиш позициясидан келиб чиқилади. У табиат ва ижтимоий ҳаёт ходисаларининг дифференциацияси ва идрок этилиши сифатида, боланинг ички олами билан ташқи оламнинг ўзаро боғлиқликдаги умумий, асосий қонуниятларининг субъектив образи (акси) сифатида изоҳланади. Шундай қилиб, дунёқараш билан боғлиқ тасаввурларнинг ўзига хос белгиси ташқи ва ички олам ўртасида ўзаро боғлиқликнинг мавжудлигидадир. Л.С.Виготский таъкидлаганидек, илк онтогенезда дунёқарашдан олдин “дунёни яратиш” содир бўлади. Бундай деганда, олим боланинг атроф оламга ўз муносабатини ифодалаш усулини тушунади. Шундай қилиб, оламнинг жисмоний ва ижтимоий манзараси (“дунё модели”) шаклланади ва у аста-секин рамзий структуралари воситасида бола ҳаётининг асоси бўлиб боради. Назарий манбаларни таҳлил қилар эканмиз, биз эътибор қаратган жиҳат шундан иборат бўлдики, кўпчилик олимлар математик тушунчаларни ўзлаштиришга асосланган математик фаолиятни жуда мослашувчан деб биладилар. Мослашувчанлик туфайли математик тушунчалардан бошқа фаолият турларида ҳам фойдаланиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун инклюзив синфларда ўқувчиларнинг математикани ўзлаштиришлари учун мослашувчан ўқув топшириқлари тайёрлаш лозим. Бунинг учун ўқитувчилардан дифференциал ёндашув тамойилларини билиши талаб этилади. Бу эса, уларнинг касбий компетенцияси билан боғлиқдир. Инклюзив таълимда ўқитувчининг касбий компетенцияси муҳим омиллардан ҳисобланади. Ушбу омил инклюзив таълимни илдамлатишда таълим иштирокчиларининг умуммақсад сари интилишини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Виготский Л.С. Основы дефектологии. В 6-ти т.— М.: Педагогика, 1983. Т.5. — 38 с.
2. Л.Муминоваваб. . “Maxsuspsixologiya” Toshkent — 2013.

3. Абдуназаров, А. (2020). Имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий мослашувини ўрганишнинг инновацион усуллари. Архив Научных Публикаций JSPI.

4. Abdunazarov, A., & Kenjayev, N. INNOVATIVE METHODS OF STUDYING THE SOCIAL ADAPTATION OF MENTALLY RETARDED CHILDREN. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, 285.

5. Yunusov, M. (2020). КАР ВА ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(76). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6465

6. Yunusov, M. (2020). THE IMPORTANCE OF MODERN TECHNICAL DEVICES IN THE DEVELOPMENT OF HEARING. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(71). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6366

7. Yunusov, M. (2020). Методика обучения детей с нарушением слуха на основе мультимедийных средств. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(71). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6367

8. Yunusov, M. (2020). Мактабгача таълим жараёнига мультимедиа технологиясини татбиқ этиш. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(75). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6480

9. Yunusov, M. (2021). MAXSUS TA'LIM JARAYONIDA KOMPYUTER TEXNOLOGIYALARINING O'RNI. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://journal.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/711>

10. Yunusov, M. (2021). ESHITISH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH DARSLARIDA MULTIMEDIA VOSITALARIDAN FOYDALANISH METODIKASI. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (1). извлечено от <https://journal.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1190>

11. Yunusov, M. (2021). МАКТАБГАЧА YOSHDAGI ESHITISH QOBILIYATI CHEKLANGAN BOLALAR TALAFFUZINI KORREKSIYALASHDA YANGI AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4599>

12. Yunusov, M. (2021). ESHITISHIDA NUQSONI BO'LGAN BOLALARNING KOGNITIV FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT VA KOMPYUTER TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4062>

13. Axrorova, S. (2020). HOZIRGI ZAMONDA AUTIZMLI BOLALARNING TA'LIM-TARBIYA MUAMMOSI . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(75).
извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6485

14. Axrorova, S. (2020). AUTIZMLI BOLALARGA TASHXIS QO'YISH USULLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(74). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6487

15. Axrorova, S. (2020). Медико-педагогические и психологические основы подготовки детей с синдромом аутизма к социальной жизни. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(74). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6488

16. Axrorova, S. (2021). РАННИЙ ДЕТСКИЙ АУТИЗМ И РАБОТА ПО РАЗВИТИЮ РЕЧИ. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от <https://matinfo.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1788>

17. Axrorova, S. (2021). ИГРА КАК СРЕДСТВО КОРРЕКЦИИ АУТИСТИЧЕСКОГО ПОВЕДЕНИЯ У ДЕТЕЙ ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА ТЕРАПИИ ИГРОЙ. *Журнал Педагогике и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://matinfo.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/710>

18. Axrorova, S. (2021). AUTIZM SINDROMIGA CHALINGAN BOLALAR RIVOJLANISHIDAGI NUQSONLARNI OLDINI OLISH VA KORREKSIYALASH. *Zamonaviy ta'limda Pedagogika Va Psixologiya Fanlari*, 1(3). Retrieved from <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4061>

19. Axrorova, S. (2021). F 84 BU QANDAY TASHXIS? MUAMMOLAR VA YECHIMLAR. *Zamonaviy ta'limda Pedagogika Va Psixologiya Fanlari*, (2). Retrieved from <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/2907>